

ФАЛСАФА ВА ХУКУК

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЊИНАВИЙ - МАЊИРИФИЙ, ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

1
2022

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-хуқуқий журнал
2022/1 (№21)

Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажарниш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариши бундан бўён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавхум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашини назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносаб турмуши шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соглом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Журнализминг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий таракқиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзууда 2022 йил 10 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

Тахрир ҳайъати:

М.Н.Абдуллаева -
ф.ф.д., профессор
Б.Т.Тўйчиев –
ф.ф.д., профессор
Ж.С.Раматов –
ф.ф.д., профессор
Г.Т.Махмудова -
ф.ф.д., профессор
В.Р. Топилдиев -
ю.ф.д., профессор
Қ.Н.Назаров –
ф.ф.д., профессор
Р.Ж. Рўзиев -
ю.ф.д., профессор
А.Ў.Ўтамуродов -
ф.ф.н., профессор
Ў.Ғ.Тилавов -
ф.ф.д., DSc

Бош мухаррир:
А.Г.Муминов –
с.ф.д., профессор

Муассис: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети

Тахририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўч., 4.
<https://nuu.uz/falsafa-va-huquq-jurnal/>
E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

ISSN 2181-7294

Босилига 20.07.2022 да берилди
Бичими 60x84 Offset қозоги. ЎзМУ босмахонасида
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 23,75
б.т. Наприёт ҳисоб табоги 30 б.т. Адади 50 нусха.
Буюртма № 177

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Сокиев

Каланова С. М.	<i>Жамиятда авлодлар алмашинувининг социологик мөҳияти</i>	106
Сеитов А.П.,	<i>Развитие ИКТ в Узбекистане как вектор развития теоретической мысли</i>	110
Саидхатматаева М.К.		
Мамарасулов У. У.	<i>Sport qoidalarining estetika me'yorlari asosidagi tavsifi</i>	114
Султонова Н.Э.	<i>Ижтимоий ҳаётда фарзанд учун ота-она иброти, меҳр-муҳаббати ва жасамиятда тутгани ўрни</i>	116
Абдиев Ф.Э.	<i>Ёшлар сиёсий онгини ривожлантиришида миллий қадрияларнинг ўрни</i>	123
Уринбоеv Д.Т.	<i>Ёшларда ҳуқуқий менталитетни шакллантиришининг фалсафий масалалари</i>	127
Тоғаев Ш.Х.	<i>Миллий гоя ва мағқуранинг фалсафий-онтологик мазмуни</i>	130
Қалқонов Э.Т.	<i>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни ривожлантиришининг ижтимоий фалсафий масалалари</i>	134
Бобоқулов Ш.О.	<i>Ер-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида</i>	138
Ғаффарова Ғ.	<i>Фанлараро ёндашув ўйналишилари: фалсафий таҳлил</i>	141
Иззетова Э.М.	<i>Интеграция научных дисциплин в контексте трансдисциплинарной методологии</i>	145
Ботирова Ҳ.Э.	<i>Мустақиллик даврида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиш</i>	151
Юсувалиева Р.Ю.	<i>Умумхуқуқий тамоилилар – ҳуқуқий сиёсатининг асосий ўйналишилари сифатида</i>	155
Равшанов А.С.	<i>Қишлоқ ва сув хўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаши сиёсатининг концептуал асослари</i>	160
Қандов Б.М.	<i>Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишида ҳуқуқий таълимнинг ўрни</i>	164
Қўйлиев Т.,	<i>Минтақа хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мезонидир</i>	168
Рахмонбердиева Н.		
Ташметов Т.Х.	<i>Миллий гояни ёшлар онгига сингидиришининг илмий-фалсафий жиҳатлари</i>	172
Исламилов А.З.	<i>Фуқаролик жасамиятида ҳуқуқий онгнинг фалсафий онтологик асослари</i>	176
Адамбаев У.Х.	<i>Аргументлаши ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши</i>	180
Махмудов М.,	<i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириши – давр талаби</i>	184
Бердиев А.		
Ражабов Ж.	<i>Жамият модернизациялашуви шароитида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни</i>	187
Халилов Ж.,	<i>Соғлом авлод камолоти – ислоҳотлар мақсади</i>	190
Ахмедов А.		
Маматқулов Э.	<i>Янги Ўзбекистонда фуқаролик жасамияти институтлари ролини ошириши</i>	193

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГНИНГ
ФАЛСАФИЙ ОНТОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Исмайилов А.З.–

ТВЧДПИ катта ўқитувчиси

Турон замин, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача кўплаб цивилизациялар, яъни ўз давлати ва фуқароларига эга мамлакатлар – мустамлака ва мустамлака бўлмаган давлатлар ва халқлар яшаб келганлиги тарихдан маълум. “Саклар қавмининг етакчиси ва ҳарбий саркарда Алп Эр Тўнга [Афросиёб] томонидан милоддан аввалги 654 йили Турон даштларида сак [шак] ёки скифлар [прототурк қавмлар]нинг дастлабки давлатига асос солинди. Бу давлат Турон давлати номи билан машҳур бўлган. (Турон давлати кейинчалик Европа тадқиқотчилари томонидан прототурк [кўхна турклар] давлати деб номланган. Турон давлати ўрнида кейинчалик Туркистон давлати ташкил топди.) Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқи айнан Турон/Туркистон давлатининг қонуний ворисидир”[1, 36]. 1991 йил Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон харитасида мустақил давлат – мамлакат сифатида пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси демоқратик фуқаролик жамиятини шакллантириш сари одимлаб бормоқда. Демократик фуқаролик жамияти икки қисм – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятларидан ташкил топган. Ҳуқуқий давлат ҳуқуқлар асосида шаклланган, ҳуқуқларни кафолатлайдиган, қонуилари ҳуқуқий бўлган, ҳуқуқларга бўйсунадиган, мавжуд бўлишга ҳаки бўлган давлатдир. У фуқароларсиз, яъни ўз субъектларисиз ҳеч нарсадир. Фуқаролик жамияти мавжуд фуқаролар ва уларнинг давлат аралашмайдиган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган уюшмаларидир. Инсон ҳуқуқлари давлат ҳокимияти орқали амалга ошар экан, фуқаролик жамиятида асосий масала фуқаролар ва улар уюшмаларининг ҳуқуқларини таъминлаш экан, бу жараён ҳуқуқий давлатсиз юз бермайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Тарих шундан далолат берадики, дунёдаги барча Цивилизациялар, маданият ва динлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган эзгу гоялар таъсирида вужудга келган. Масалан, бундан 2700 йил муқаддам Осиё ҳудудида яратилган энг кўхна ёзма ёдгорлик - “Авесто” китобида ҳам инсон ҳуқуқ, ва эркинликлари, миллатларро муносабатларни ўзаро хурмат ва ишонч тамойиллари негизида барпо этиш гоялари мухим ўрин тутади, зўравонлик ва адолатсизлик рад этилади”[2]. Демак, мустақил Ўзбекистон Республикаси, унда шаклланаётган ҳуқуқий давлат ва унинг тармоқлари, фуқаролик жамияти ва унинг ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидағи таркибий қисмлари мавжуддир. Мавжудлик бор демақдир. Борлиқнинг асосий белгиси эса мавжуд бўлган, ҳозирда мавжуд ва келажакда мавжуд бўладиган ҳодисалардир. Демак, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг мавжудлиги манзарасини онтологик жиҳатдан асослаш зарурияти ҳам мавжуддир. Бу вазифани фалсафа ва ижтимоий фалсафа фанлари бажаради.

Мавжудлик ҳақидаги таълимот фалсафий онтологиядир ва унинг ижтимоий-фалсафий билишдаги кўриниши ижтимоий-фалсафий онтологиядир. Жамият диалектикаси ҳам мавжуд – бордир, аммо уни нисбий равишда жамият тараққиётининг қонунлари қисми – ижтимоий диалектика қисмida ўрганамиз. Ижтимоий-фалсафий онтологияда эса асосий эътибор табиий борлиқка эмас, балки ижтимоий борлиқка, яъни жамиятнинг тузилишига, унинг таркибий қисмларининг мавжудлигига қаратилади. Ижтимоий диалектика ижтимоий фалсафий онтологиядан келиб чиқканлиги учун улар ўртасида абсолют тафовут мавжуд эмас. Аммо назарий таҳлилда жамиятнинг мавжуд томонлари алоҳида кўринишларда ва улар ўртасидаги бояланишларни алоҳида-алоҳида кўринишларда ўрганиш ижтимоий билишда муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Жумладан, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий онгларнинг ижтимоий маданий ҳодисалар сифатида жамиятдаги ўрни ўзига хос масала, уларнинг ижтимоий тараққиётдаги роли яна бир ўзга масала. Тўғри, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишда ҳуқуқий билиш биринчи ўринга чиқди. Аммо ҳуқуқий билиш ижтимоий фалсафий билишга эҳтиёж сезади. Ижтимоий фалсафий билиш ижтимоий билиш ичida уйгунлаштирувчи (координацион) ролни бажаради. Ижтимоий фалсафий билишда ижтимоий онтология ижтимоий фалсафанинг биринчи таркибий қисми сифатида, яъни жамиятнинг тузилиши ва таркибий қисмлари тўғрисидаги таълимот сифатида фалсафий онтологияга таянади. “Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотни изоҳлайдиган қисми – онтология деб аталади. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор X. Вольф қўллаган), – дейилган “Фалсафа” фанига оид китоблардан бирида. - Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу соҳаси

ўрганади”[3, 91]. Шунингдек, бу китобда борликнинг шакллари қуйидаги тартибда берилган: “... фалсафий адабиётларда табиат борлиги ва жамият борлигининг қуйидаги шакллари ҳам фарқланади. **Табиат борлиғи** одатда табиатдаги нарсалар (жисмлар), жараёнлар, ҳолатлар борлиги сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиги (ёки табиий табиат борлиги, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиги (“иккинчи табиат” борлиги, яъни маданият). Иккинчи табиат борлиги эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда учрайди:

- **инсон борлиғи** (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиги ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиги);
- **маънавий борлик** (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлик);
- **социал борлик** (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиги ва жамият борлиги), у ижтимоий борлик ҳам деб аталади”[2, 97].

Бизнингча, борлик, биринчидан, онтофункционал ҳолатига кўра моддий ва руҳий борликлардан иборат. Руҳий борлик эса ўзига хос мавжудлик бўлса-да, моддий борлиқнинг ичида ва унинг мураккаб органик тузилмаларининг функциялари хисобланади. Борлик, иккинчидан, онтомасштабларига кўра табиий борлик (табиат) ва социал борлик (жамият) каби таркибий қисмлардан иборат. Агар борлиқнинг онтофункционал ва онтомасштаб кўринишлари вариацияланса, табиий борлик табиий моддий борлик ва табиий руҳий борликлардан ташкил топган. Социал борлик эса табиий борлиқнинг заминида юзага келган бўллиб, агар борлиқнинг онтофункционал кўринишини унга кўлласак, у жамиятнинг моддий ҳаёти, жамиятнинг социал соҳаси, жамиятнинг сиёсий-хуқуқий борлиги ва жамиятнинг маънавий борликларидан иборат бўллиб чиқади. С.Э.Крапивенский жамиятнинг асосий соҳаларини ифодаловчи бу сўзлар ўрнига “жамиятнинг иқтисодий борлиги”, “жамиятнинг социал борлиги”, “жамиятнинг экологик борлиги”, “жамиятнинг сиёсий борлиги”, “жамият ҳаётидаги маънавийлик” ибораларини ишлатган[4, 416]. Агар рус тилидаги борлик сўзининг нисбатдоши сифатида ва “жамият” ёки “ижтимоий борлик”ни ифодаловчи “социал борлик” сўзи тор маънода жамиятнинг социал соҳасини ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Аммо ўзбек тилида рус тилида ишлатиладиган “социал соҳа” сўзи ўзбек тилидаги адабиётларда “ижтимоий соҳа” деб ёзилмоқда. Ахир, жамиятнинг моддий ҳаёти ёки сиёсий-хуқуқий ҳаёти ёхуд маънавий ҳаётлари ҳам ижтимоий-ку?! Шунинг учун биз, агар сўз жамиятнинг таркиби тўғрисида кетса, жамиятнинг асосий соҳаларидан бирини, ўкувчининг адашмаслиги учун “жамиятнинг социал ҳаёти соҳаси” ёки “жамиятнинг социал соҳаси” ёхуд “жамиятнинг социал борлиги” сўзларини ишлатдик.

Юқорида “табиий моддий борлик” ва “табиий руҳий борлик” сўзларини “социал борлик”, яъни “жамият” сўзи билан вариациялаш асосида кўрдик-ки, улардан жамиятнинг икки бир-бирларини тақозо қилувчи кутби – жамиятнинг моддий ҳаёти ва жамиятнинг маънавий ҳаёти соҳалари келиб чиқади. Агар ижтимоий ҳаётнинг бу соҳаларининг бирида моддийлик, яна бирида эса маънавийлик омиллари устунлик қиласа, ижтимоий ҳаётнинг оралиқ таркибий қисмлари – социал ва сиёсий-хуқуқий ҳаёт соҳаларида эса иккала омиллар ҳам баб-баравар (паралел) кучга эга бўлган ҳолда амал қиласидар. Борлиқнинг бир қисми – жамиятнинг тузилиши ёки асосий таркибий қисмларининг аниқланиши К.Маркснинг 1859 йилда ёзилган “Сиёсий иқтисод танқидига доир” асарининг сўз бошисида баён килинган эди. Аммо унинг изохи тарихни материалистик тушунишга асосланган эди. Тарихни диалектик маданий тушуниш бўйича эса ижтимоий ҳаёт соҳаларининг барчасининг негизида маданийлик ётади. “Инглиз олим А.Тойнбининг фикрига кўра, - дейди файласуф X.Ф.Вохидов, - цивилизациянинг ички моҳияти, руҳиятини маданий омиллар ташкил этади”[5, 10]. Ҳақиқатдан ҳам маданият инсонлар томонидан борлиқнинг ишлов бериб яратилган қисми экан, у маънавиятсиз ва унинг ўқ илдизи - инсон онгисиз юз бермайди. “Инсоният ўзининг бир неча миллион йиллик тарихини орта қолдириб, - дейишади Х.Т.Одилқориев ва Ш.Ф.Фоййназаровлар, - XXI асрга қадам қўйди. Ана шу йиллар давомида инсоннинг ахлоқий-маънавий камолоти тинимсиз меҳнат туфайли моддий маданиятнинг илк намунаси бўлган “оддий тош чўқмор”дан ҳозирги замоннинг мўжизавий ўта мураккаб техник қурилмаларигача бўлган даврда яратилган барча нарсаларни қамраб олувчи ва маданий борлик деб аталувчи тизимни яратди.

Бу маданий борлик бутун инсониятнинг қўли, ақл заковати билан ишлов бериш, парваришилаш, тарбиялаш, маърифат ва маънавият заминида яратилган барча моддий неъматлар ва уларнинг инъикоси бўлган маънавият оламининг жаҳон маданияти деб аталмиш бир бутун йигиндинсизидир”[6, 9]. Маданият ва маданий борлик айнан тушунчалардир. Маданий борлик жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси экан, демакки у жамиятнинг субстанциясидир. Бунда моддий неъматларни

ишилб чиқариш унинг муайян қисмини ташкил этади. “Субстанция (лат. *Substantion* - моҳият), - дейилади Фалсафа: қомусий лугатида, ... тушунчаси субстрект-негиз, конкрет асос маъносини англатади. Тасодифий, вактинча, ўткинчи хосса тушунчаларидан фарқланади. Бу бош асос муайян ашёлар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши шарт-шароитларини белгилайди”[7, 380]. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар, жумладан К.Х.Момджян ўзининг “Ижтимоий фалсафага кириш” номли китобида “Ижтимоий билишда субстанционал ёндашиш” деган ном билан алоҳида бобни киритиб бундай ёндашишнинг ижтимоий ҳодисаларни билишдаги катта аҳамияти мавжудлигини таъкидлайди. “Субстанция, - дейди у, - биз юкорида кўрганимиздек, ўзига хос модус (лотинча *modus* – ўлчов, усул) ва атрибуутларни белгилашнинг дастлабки асослаб берилиши ҳисобланади”[6, 180]. Ҳақиқатдан ҳам жамиятдаги барча ўзгаришлар бир бутун маданий борлик ва унинг томонлари – инсон ва унинг бирликлари, моддий маданият, жамият сиёсий ва хуқуқий маданиятлари, жамият маънавий маданиятларида ўзгаришлардан бошланади. Инсонларнинг борлиққа ишлов бериб, уни ўз мавжудлигини таъминлаш мақсадида ўзгартириши, тайёрлаши асосан эволюцион йўл билан амалга ошади. Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари ҳам маданий ҳодисалар бўлиб, уларнинг юзага келишида ушбу қонуният белгиловчилик ролини ўйнайди. Нафакат бу, балки шу билан бирга И.А.Каримов “Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қиласа бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз фойдаланади”[8, 9], деган эди. Тажриба ҳам, техника ҳам, санъат ҳам, давлатчилик ҳам, фуқаролик жамияти компонентлари ҳам маданий ҳодисалардир, инсонлар яратган маданий борлиқнинг элементларидир. Шунингдек, маданий борлиқнинг тарихий типлари, муайян ҳудудда ўзига хосликлари мустакил, бир-бирларидан ўзига хосликлари билан фарқ қилувчи цивилизациялар – ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакатларни юзага келтиради.

Юридик нуқтаи назардан, асосий эътибор ижтимоий масалаларга қаратилганлиги нуқтаи назаридан фуқаролик жамиятининг социал ва маънавий ҳаёти соҳаларидағи таркибий қисмларнинг кўрсатилишига қўшиламиз. Аммо ижтимоий-фалсафий жиҳатдан жамиятнинг маънавий ҳаёти алоҳида асосий таркибий соҳаси сифатида қаралади.

Давлат жамиятнинг сиёсий ҳаёти тизимида сиёсий-хуқуқий маданий ҳодиса сифатида жойлашган. “Давлат, - дейди З.М.Исламов, - бу жамият бирлигини ва яхлитлигини таъминловчи, давлат механизми воситасида жамият ишларини бошқарувчи, суверен оммавий ҳокимиятни амалга оширувчи, хуқуққа умуммажбурийлик мақомини берувчи, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини, қонунийлик ҳамда хуқуқ-тартиботни кафолатловчи жамиятнинг сиёсий ташкилотидир”[9, 178].

Бу таъриф – тавсиф давлат, жумладан хуқуқий давлат сиёсий-хуқуқий муносабатлар тугуни ва сиёсий – хуқуқий маданий ҳодиса эканлигини тасдиқлайди. Давлатнинг асосий белгилари, элементлари, бошқарув шакллари ва функциялари тўғрисида ҳам кўйида шундай фикрларга келинди.

Жамиятнинг маънавий ҳаётини ўқ илдизини ижтимоий онг, жумладан хуқуқий онг ва унга таъсири этиш ташкил этувчи унинг олтига қисм – жамиятнинг ахлоқий ҳаёти, эстетик ҳаёти, диний ҳаёти, илмий ҳаёти, таълим-тарбия ва оммавий ахборот воситалари тизимлари ташкил этади. Уларнинг барчаси ўзига хос ижтимоий ҳаёт тармоқлари бўлиб, уларнинг ҳам асос қисмларини маданийлик – жамиятнинг ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа маданиятлари ташкил этади. Уларнинг ушбу маданий қисмларидаги эҳтиёжлари асосида ижтимоий тузилмалар – таълим-тарбия муассасалари, диний ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари тармоқлари келиб чиқадилар.

Хуллас, борлик ва жамиятнинг тўртта қисми – тузилиши тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий таълимотлар хуқуқий давлат, фуқаролик жамияти компонентлари ва хуқуқий онг тизимини фалсафий ва ижтимоий-фалсафий онтологик асоси бўлиб хизмат қиласи. Бу таълимотларга таянмасдан хуқуқий давлат, фуқаролик жамияти компонентлари ва хуқуқий онг тизимини фалсафий ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослаб бўлмайди. Давлат, жумладан хуқуқий давлат жамиятнинг сиёсий-хуқуқий ҳаёти соҳасида жойлашган. Фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари функционал ҳолатларига кўра ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан жой олган. Хуқуқий онг эса ижтимоий онгнинг шаклларидан бири сифатида онтологик ҳолатига кўра маънавий ҳаётнинг ўқ илдизида жойлашган. У онтофункционал ҳолатига кўра эса хуқуқий ҳаётнинг ядрои – жамият хуқуқий маданиятининг учинчи субстанционал компоненти, яъни хуқуқий эҳтиёж билан хуқуқ ижодкорлиги ўртасида уларни бояловчи халқа сифатида ўрин олган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. (Учта китоб). 1-китоб. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. – 288 бет.
2. Назаров Қ. ва бошқалар. Фалсафа асослари. – Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2018.
3. Крапивенский С.Э. Социальная философия: Учебник. – М.: 1998.
4. Вохидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2003.
5. Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият: назарий-киёсий тадқиқот. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2004.
6. Фалсафа: Қомусий лугат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Тошкент: “Шарқ”, 2004.
7. Мамджаан К.Х. Введение в социальную философию. – М.: «Высшая школа», 1997.
8. Исламов З.М. Давлат ва хуқуқ назарияси. – Т.: “Адолат”, 2007. 178-бет.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида хуқуқий онгни билишнинг ижтимоий фалсафий онтологик асослари таҳдил қилинган. Шунингдек, фуқаролик жамияти, хуқуқий давлат ва хуқуқий онгнинг ижтимоий маданий ҳодисалар сифатида жамиятдаги ўрни ва ролига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: давлат, давлатчилик, хуқуқий давлат, концепция, хуқуқ, инсон хукуқлар, фуқаролик жамияти, хуқуқий онг.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируется социально-философская онтологическая основа познания правосознания в условиях формирования правового государства и гражданского общества. Также акцентируется внимание на месте и роли гражданского общества, правопорядка и правосознания в обществе как социо-культурных явлений.

Ключевые слова: государство, государственность, правовое государство, концепция, право, права человека, гражданское общество, правосознание.

RESUME:

This article analyzes the socio-philosophical ontological basis for the cognition of legal consciousness in the conditions of the formation of the rule of law and civil society. The attention is also focused on the place and role of civil society, law and order and legal consciousness in society as socio-cultural phenomena.

Keywords: state, statehood, rule of law, religious countries, concept, law, human rights, civil society, legal consciousness.